

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЗИЯДУЛЛАЕВ АНВАР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ЦИАНУР КИСЛОТА АСОСИДА ВИНИЛ БИРИКМАЛАР
СИНТЕЗИ, ОЛИНГАН БИРИКМАЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ ВА
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Зиядуллаев Анвар Эгамбердиевич

Цианур кислота асосида винил бирикмалар синтези, олинган
бирикмаларнинг хоссалари ва қўлланилиши.....

3

Зиядуллаев Анвар Эгамбердиевич

Синтез виниловых соединений на основе циануровой кислоты,
свойства и применения полученных соединений

21

Ziyadullayev Anvar Egamberdiyevich

Synthesis of vinyl compounds based on cyanuric acid, their
properties and applications

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЗИЯДУЛЛАЕВ АНВАР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ЦИАНУР КИСЛОТА АСОСИДА ВИНИЛ БИРИКМАЛАР
СИНТЕЗИ, ОЛИНГАН БИРИКМАЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ ВА
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4/PhD/K147 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tktiti.uz) ва "Ziyounet" таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурманов Сувонкул Эрханович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махсумов Абдухамид Гофурович
кимё фанлари доктори, профессор

Акбаров Ҳамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат кончилик институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.T.87.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор. Тел.: (99871)199-22-43, факс: (99870)965-77-16, e-mail: gur_tniixt@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор. Тел.: (99871)199-22-43, факс: (99870)965-77-16, e-mail: gur_tniixt@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «3» май кuni тарқатилди.
(2021 йил «3» май даги №8 рақамли реестр баённомаси).



Джалилов А.Т.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., проф, академик

Ширинов Ш.Д.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби т.ф. PhD.

Бекназаров Х.С.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда азот тутган гетероциклик бирикмалар асосида винил гуруҳли моддалар олинмоқда ва улар тиббиётда, қишлоқ хўжалигида, кимё саноатида, текстил, лок-бўёқ, парфюмерия соҳаларида полимерлар, инсектицидлар, доривор препаратлар, сорбентлар, биологик фаол моддалар ва композицион материаллар сифатида қўлланилмоқда. Винил бирикмаларнинг гомоген ва гетероген каталитик шароитларда синтезининг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, улар ичида фаол водород тутган органик бирикмалар билан ацетилен реакцияси орқали синтезини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда бирламчи, иккиламчи алифатик ва гетероциклик аминларни юқори босимда ацетилен углеводородлар билан виниллаш, нозик органик синтез жараёнларини атмосфера босимида амалга ошириш, гидроксил гуруҳли гетероциклик бирикмаларни виниллаш жараёнида катализатор, юқори асосли система ва органик эритувчилар иштирокида винил эфирларини синтез қилиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада гомоген ва гетероген усулда виниллаш жараёни боришини асослаш, виниллаш жараёни боришига турли омиллар таъсирини аниқлаш, виниллаш реакциялари орқали винил эфирларни синтез қилишни оптималлаштириш ва винил бирикмаларни синтез қилиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда маҳаллий хом ашёлар асосида саноатнинг турли соҳалари учун муҳим ҳисобланган моддалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мавжуд технологик жараёнларни модернизация қилиш орқали жараён боришининг самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, импорт маҳсулот ҳажмини камайтириш ва экспортга мўлжалланган моддалар синтезини кенгайтириш бўйича муҳим чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан унумли фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологиясини яратиш” муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада саноат маҳсулоти ҳисобланган ацетилен асосида турли хил винил бирикмалар синтез қилиш, винил бирикмалар олиш технологиясини такомиллаштириш, олинган бирикмаларни эксплуатацион хоссаларини аниқлаш ва чиқиндиларни қайта ишлаш асосида материаллар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари», 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони.

«Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нонатехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ацетилен бирикмалари кимёси, физикаси, технологияси ва қўлланилиши бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари жадал ривожланмоқда.

Хорижда ушбу йўналишда Б.А.Трофимов ва О.Н.Темкиннинг илмий ишларида ацетилен спиртлари винил эфирлари юқори асосли системалар асосида синтез қилинган. M.Wiggers ацетилен бирикмалари асосида смола, резина, елим ва пластмассаларни эритувчи препаратлар ишлаб чиқариш, A.Viola винил эфирлари асосида полимер моддалар олиш технологиясини яратиш, J.M.Petersen ацетилен спиртларининг мураккаб винил ҳосилаларини ишлаб чиқиш, J.Okawa ацетилен спиртларини нанокатализаторлар иштирокида синтез қилиш, M.A.Hassan фуранни хлорли ҳосилаларидан тетрагидрофуран эритмасида, литий бутиллат катализаторлари иштирокида ацетилен спиртларини юқори унумда олиш технологиясини яратиш, E.J.Corey ацетилен ва унинг гомологлари асосида олинадиган мономерларнинг резина саноатида қўллаш, R.V.Wannort ацетилен спиртларининг тиббиётда, Yumeng Xi нефт-газ саноатида қўллаш, B.A.Kulkarni эса ацетилен спиртлари замбуруғларга қарши биологик фаоллигини ўрганиш орқали ушбу йўналишнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар.

Республикамизда ацетилен ва у асосида олинадиган кимёвий бирикмалар ва уларнинг винил бирикмалари синтезида бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, Т.С. Сирлибоев ацетилен асосида борадиган кимёвий жараёнларнинг фундаментал назарий қонуниятлари, А.Г.Махсумов раҳбарлигида пропаргил спирти асосида мураккаб гетероциклик бирикмалари синтези, А.Икромов ацетилен углеводородлари кимёсида турли хил гетероген-каталитик системалар қўллаш орқали маҳсулот унумини ошириш ва янги катализаторларни саноатда қўллаш принциплари, Д.Юсупов томонидан ацетилен асосида азот тутган гетероцикллар олиш устида илмий ишлар олиб борилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ацетилен асосида янги органик бирикмаларни синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш, синтез қилишда маҳаллий хомашёлардан кенг фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи, арзон, саноатда фойдаланиш мумкин бўлган материаллар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, ацетилен асосида синтез қилинган винил эфирлари асосидаги бирикмаларни турли хил эритувчилар, елимлар, бўёқлар,

мономерлар, биоцидлар ва ингибиторлар сифатида тадқиқ қилиш илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-Ф-7-52 «Турли табиатли органик ва ноорганик моддаларнинг таъсирлашиш қонуниятлари ва реакцион қобилияти ҳамда берилган комплекс хоссали янги бирикмалар олиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади цианур кислота винил эфирларини маҳаллий хомашёлар асосида синтез қилиш, жараён боришининг мақбул шароитларини топиш ва уларни олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли усуллар ёрдамида цианур кислотани атмосфера босимида ва босим остида хар ҳил катализаторлар ҳамда эритувчиларни қўллаш орқали юқори унум билан синтез қилиш;

цианур кислотани ацетилен иштирокида $\text{МОН}+\text{ДМСО}$, $\text{МОН}+\text{ДМФА}$; каталитик системалари асосида атмосфера босимида виниллаш реакциялари орқали винил эфирларни синтез қилиш, жараённинг боришини оптималлаштириш;

цианур кислотани ацетилен иштирокида $\text{ZnO}+\text{ДМСО}$, $\text{ZnO}+\text{ДМФА}$; каталитик системалари асосида юқори босимда виниллаш реакцияларини олиб бориш орқали винил эфирларни синтез қилиш жараёни учун мақбул шароитларни топиш;

цианур кислота винил эфирлари унуми ва кимёвий реакцияларнинг боришига эритувчилар, катализатор, ҳарорат, реакция давомийлиги ва бошланғич моддалар концентрацияси, миқдори ва табиати таъсирини аниқлаш, реакция механизмлари ва кинетикасини тадқиқ қилиш;

синтез қилинган моддаларнинг хоссаларини физик-кимёвий усулларда аниқлаш, уларнинг квант-кимёвий ҳисоблашларини замонавий компьютер дастурлари ёрдамида ҳисоблаш;

цианур кислота винил эфирларини гомоген ва гетероген каталитик виниллаш реакциялари асосида синтез қилишнинг қулай усулларини ишлаб чиқиш ва технологиясини таклиф этиш;

синтез қилинган винил эфирларни кимё саноатида биокоррозия жараёнини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши хусусиятларини аниқлаш;

цианур кислота винил эфирининг галогенли бирикмаларини синтез қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида азот тутган гетероциклар, винил эфирлар, гомоген ва гетероген катализ, биологик фаол моддалар, турли катализатор ва эритувчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети цианур кислота, унинг моно-, ди- ва тривинил эфирлари, ишқорий катализаторлар, юқори асосли системалар ва биологик фаол моддалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гомоген ва гетероген катализ, атмосфера ва юқори босимда виниллаш, ИҚ-, ^1H ва ^{13}C -ЯМР спектроскопия, хромато-масс спектрометрия усуллари, математик моделлаштириш, математик қайта ишлаш ҳамда квант-кимёвий ҳисоблашлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

цианур кислотани гомоген шароитда атмосфера босимида юқори асосли системалар ва юқори босимда $\text{ZnO}+\text{DMCO}$, $\text{ZnO}+\text{DMFA}$ каталитик системалари иштирокида ацетилен билан виниллаш реакцияси асосида унинг винил эфирлари синтез қилинган;

цианур кислотани гетероген усулда $\text{KOH}/\text{C}_{\text{фаол}}$ катализаторлигида виниллаш усули ишлаб чиқилган ва цианур кислотанинг моно-, ди- ва тривинил эфирлари синтез қилинган;

цианур кислота винил эфирларининг галогенли бирикмалари синтез қилинган ҳамда жараён боришига таъсир қилувчи омиллар ва кинетик параметрлар аниқланган;

квант-кимёвий ҳисоблашлар орқали цианур кислота молекуласида зарядларнинг ва электронлар зичлигининг тақсимланиши ҳамда фазовий тузилиши асосида молекуланинг фаол марказлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

цианур кислота винил эфирларини олиниш технологияси ишлаб чиқилган, жараённинг материал баланси, иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган ва технологик жараён регламенти яратилган;

синтез қилинган кислота винил эфирларини металл конструкцияларда биокоррозия жараёнини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини замонавий анализ усуллари: ИҚ-, ^1H -, ^{13}C -ЯМР-спектроскопия, хромато-масс спектрометрия таҳлили ёрдамида исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гомоген ва гетероген усулда цианур кислота билан ацетиленни таъсирлашиши орқали цианур кислотанинг моно-, ди- ва тривинил эфирлари синтези амалга оширилганлиги, жараён боришига турли омиллар таъсири аниқланганлиги, қўлланилган бирикмаларнинг квант-кимёвий ҳисоблашлари ва назарий тушунчалар асосида реакцияларнинг бориш механизми таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти цианур кислота винил эфирлари синтези жараёнининг мақбул шароитлари топилганлиги, уларни олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги ва синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Цианур кислота ва унинг винил эфирларини гомоген ва гетероген каталитик виниллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

цианур кислотанинг винил эфирлари «Электрохимзавод» ҚК АЖДа металлларнинг водородсульфидли коррозиясига қарши ингибитор сифатида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси «Электрохимзавод» ҚК АЖнинг 2021 йил 5 январдаги 03-сон маълумотномаси). Натижада, корхонада қўлланилаётган углеродли пўлатни 72–81 % ҳимоя қилиш имконини берган;

цианур кислотанинг тривинилэфири «Elkimyo-superfos» МЧЖ технологик тизимидаги металл конструкциялари коррозиясини олдини олишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Elkimyo-superfos» МЧЖнинг 2020 йил 11 мартдаги 45-сон маълумотномаси). Натижада, технологик ускуналар металлари коррозияси жараёнини 76–84% га камайтириш имконини берган;

винил бирикмаларни синтез қилиш усули Коркит Ата номидаги Қизилўрда университетининг (Қозоғистон) ҳамда цианур кислотани гетероген усулда виниллаш Тожикистон Миллий Фанлар академияси Кимё институтининг илмий-тадқиқот ишларида қўлланилган (Коркит Ата номидаги Қизилўрда университетининг 2020 йил 13 октябрдаги 15-32-03/2030-сон; Тожикистон Миллий фанлар академияси В.И. Никитин номидаги кимё институтининг 2020 йил 14 октябрдаги 31008/23-1/199-сонли маълумотномалари). Натижада, биологик фаол, азот тутган янги органик бирикмаларни синтез қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларида 2 та, хорижий журналларда 6 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўқазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Цианур кислота ҳосилалари ва винил эфирларнинг синтези, хоссалари, қўлланилиши”** деб номланган биринчи бобида асосан цианур кислота, унинг турли хил ҳосилалари ва винил

эфирларнинг олиниш усуллари, шароитлари, синтез қилинган бирикмаларнинг хоссалари ва қўлланилиши бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган. Йиғилган маълумотлар қиёсий таҳлил қилинган ва диссертация ишининг мақсад, вазифалари аниқланган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, цианур кислота ва унинг турли хил бирикмалари, жумладан галоген тутган ҳосилалари дунёда кўп миқдорда ишлаб чиқарилади ҳамда турли соҳаларда, айниқса биологик фаол моддалар сифатида қўлланилади. Лекин республикамизда бу туркум моддалар ишлаб чиқарилмайди, керакли миқдори эса импорт ҳисобига фойдаланилади. Цианур кислотанинг винил эфири эса умуман ишлаб чиқарилмайди. Цианур кислота винил эфирини синтези жараёнларини амалга ошириш, оптимал шароитини топиш ва хоссаларини аниқлаш долзарб вазифа эканлиги таъкидланган.

Ишнинг иккинчи боби **“Тажриба қисм. Цианур кислота ҳосилаларини синтез қилиш методикаси”** деб номланади ва тадқиқотлар учун бошланғич моддалар тўғрисидаги маълумотлар, цианур кислотани гомоген- ҳамда гетероген-каталитик усулда виниллаш методикаси, цианур кислотани винил эфирларини галогенлаш методикаси келтирилган. Ундан ташқари синтез қилинган бирикмаларни тузилишини спектрал аниқлаш натижалари ҳам таҳлил қилинган.

Цианур кислота моновинил эфирининг ИҚ-спектри: 3512 cm^{-1} (ОН), 1765 cm^{-1} (C=O), 1384 cm^{-1} (C=N), 1093 cm^{-1} (C-OH), 1254 cm^{-1} (C-O-C), 864 cm^{-1} (=CH₂), 1471 cm^{-1} (=CH), 1660 cm^{-1} (-CH=CH₂).

Цианур кислотанинг моновинил эфири ¹H ЯМР спектрида винил гуруҳи (-CH=CH₂) таркибидаги битта протоннинг (-CH=) кватрет сигнали 7,4 м.у. соҳада, иккита протоннинг (=CH₂) дублет-дублет сигналлари эса 5.133 ва 5.06 м.у. соҳаларда кузатилди. Триазин ҳалқасида жойлашган 6-ҳолатдаги углерод атомининг сигнали 166 м.у. соҳада, 2,4-ҳолатдаги углерод атомлари 163.9 м.у. соҳада, винил гуруҳи таркибидаги углерод атомлари эса 146 (-CH=) ва 95 (=CH₂) м.у. соҳаларда кузатилди.

Цианур кислотанинг моновинил эфири ¹³C ЯМР спектрида δ 5.133-5.055 (2H, 5.13 (dd, $J= 14.8, 2.3$ Hz), 5.06 (dd, $J= 7.8, 2.3$ Hz)), 7.4 (1H, dd, $J= 14.8, 7.8$ Hz). ¹³C-ЯМР: δ (ppm) 166.0, 163.9., 145.5, 94.6

Цианур кислота дивинил эфирининг ИҚ-спектри 3493 cm^{-1} (ОН), 1759 cm^{-1} (C=O), 1386 cm^{-1} C=N, 1091 cm^{-1} (C-OH), 1253 cm^{-1} (C-O-C), 864 cm^{-1} (=CH₂), 2929 и 1438 cm^{-1} (=CH), 1654 cm^{-1} (-CH=CH₂).

Цианур кислотанинг дивинил эфири ¹H ЯМР-спектрида винил гуруҳи (-CH=CH₂) даги иккита протоннинг (-CH=) кватрет сигнали 7,4 м.у. соҳада, тўртта протоннинг (=CH₂) дублет-дублет сигналлари 5.134 ва 5.06 м.у. соҳаларда кузатилди. Триазин ҳалқасида жойлашган 2-ҳолатдаги углерод атоми сигнали 164 м.у. соҳада, триазин ҳалқаси винил гуруҳи тутган 4,6-ҳолатидаги углерод атомлари 166 м.у. соҳада, винил гуруҳи таркибидаги углерод атомлари эса 145 (-CH=) ва 95 (=CH₂) м.у. соҳаларда кузатилди.

Цианур кислотанинг дивинил эфири ^{13}C ЯМР-спектри δ 5.03-5.18 (4H, 5.13 (dd, $J= 14.8, 2.3$ Hz), 5.06 (2H, dd, $J= 7.8, 2.3$ Hz)), 7.40 (2H, dd, $J= 14.8, 7.8$ Hz). ^{13}C -ЯМР: δ (ppm) 166.0, 163.9, 145.5, 94.6.

Цианур кислота тривинил эфирининг ИҚ-спектри 1791 cm^{-1} (C=O), 1400 cm^{-1} (C=N), 1056 cm^{-1} (C-O-C), 761 cm^{-1} (=CH₂), 3053 и 1463 cm^{-1} (=CH), 1693 cm^{-1} (-CH=CH₂).

Цианур кислотанинг тривинил эфири ^1H ЯМР -спектрида винил гурухи (-CH=CH₂) таркибидаги битта протоннинг (-CH=) кватрет сигнали 7,41 м.у. соҳада, иккита протоннинг (=CH₂) дублет-дублет сигналлари эса 5.03 ва 5.06 м.у. соҳаларда кузатилди. Триазин ҳалқасида жойлашган 2,4,6-ҳолатдаги углерод атомларининг сигналлари 166 м.у. соҳада, винил гурухи углеродлари эса 145.5 (-CH=) ва 94.6 (=CH₂) м.у. соҳаларда кузатилди.


Цианур кислотанинг тривинил эфири ^{13}C -ЯМР спектри δ 5.03-5.18 (6H, 5.13 (dd, $J= 14.8, 2.3$ Hz), 5.06 (dd, $J= 7.8, 2.3$ Hz)), 7.41 (3H, dd, $J= 14.8, 7.8$ Hz). ^{13}C -ЯМР: δ (ppm) 166.0, 145.5, 94.6.

Цианур кислотанинг тривинил эфири гексахлорли бирикмасининг ^1H -ЯМР-спектри δ 3.89-3.92 (6H, 3.91 (d, $J= 4.0$ Hz), 3.91 (d, $J= 4.0$ Hz), 3.91 (d, $J=4.0$ Hz), 3.91 (d, $J=4.0$ Hz)), 6.12-6.17 (3H, 6.14 (t, $J=4.0$ Hz), 6.14 (t, $J=4.0$ Hz)). ^{13}C ЯМР: δ (ppm) 95.2, 47.1, 166.0.

Диссертация ишининг “**Цианур кислота ва унинг винил бирикмалари синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари**” деб номланган учинчи бобда цианур кислота синтези, уни атмосфера ва юқори босимда гомоген-каталитик виниллаш, атмосфера босимида гетероген-каталитик виниллаш жараёни, олинган винил эфирларини галогенли ҳосилаларини синтез қилиш натижалари келтирилган ва таҳлил қилинган.


Ишда дастлаб цианур кислота синтези амалга оширилди. Реакция органик эритувчиларда ва турли катализаторлар иштирокида олиб борилди. Катализатор сифатида кислота массасига нисбатан 10 % аммоний хлорид, аммоний нитрат, рух сульфат катализаторларидан фойдаланилди. Жараён 5-10 атмосфера босимида $140-160\text{ }^\circ\text{C}$ да стационар режимда ишлайдиган реакторда олиб борилди.

Диссертация ишида цианур кислота (2,4,6-тригидрокси-1,3,5-триазин) ни атмосфера босимида юқори асосли системалар иштирокида гомоген каталитик усулда ацетилен билан виниллаш жараёни амалга оширилди. Реакция ДМСО эритмасида, кислота массасига нисбатан 10% ли калий гидроксид катализаторлигида $80-140\text{ }^\circ\text{C}$ хароротда 4-8 соат давомида доимий равишда ацетилен юбориш орқали амалга оширилди. Жараёнда қуйидаги схема бўйича цианур кислотанинг винил эфирлари ҳосил бўлиши аниқланди:




Реакция жараёнида дастлаб, калий гидроксид ва ДМСО юқори асосли

система ҳосил қилади. Система (KOH-DMCO) таркибидаги DMCO калий гидроксиднинг асослик хоссасини оширади ва қуйидаги схема асосида моновинил эфери ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштиради:



Цианур кислотанинг ди- ва три винил эфирлари юқоридаги кетма-кетликда мос равишда иккинчи ва учунчи гидроксил гуруҳи фаол водороди ҳисобига ҳосил бўлади:



Цианур кислота винил эфирларини: моновинил (I), дивинил (II) ва тривинил (III) эфирларини синтез қилиш жараёни 120 °C ҳароратда турли эритувчиларда, DMCO ва DMFA, реакция давомийлиги 4-8 соат давомида олиб борилди. Ушбу жараёнда эритувчи сифатида DMFA га нисбатан DMCO қўлланилганда маҳсулотнинг ҳосил бўлиш унуми юқори бўлиши аниқланди. Бундан ташқари реакция давомийлиги 4 соатдан 6 соатга оширилиши билан маҳсулот унумининг ортиши, 8 соатда эса камайиши аниқланди.

Реакция DMCO эритмасида олиб борилганда DMFA га нисбатан винил эфирлар унуми барча реакция давомийлигида юқори унум билан синтез қилинди, 6 соатда DMCO да маҳсулот нисбатан юқори: I– 18,2; II– 21,8; III– 22,6 % унум билан синтез қилинди.

Цианур кислотанинг винил эфирлари унумига эритувчи ва ҳарорат билан биргаликда турли катализаторлар табиати таъсирини ўрганиш ҳам 4, 6, 8 соат давомида, 80 – 140 °С ҳарорат оралиғида олиб борилди. Катализатор сифатида LiOH, NaOH ва KOH ишқорларидан, эритувчи сифатида эса ДМСО ва ДМФА дан фойдаланилди.

Виниллаш жараёни KOH-ДМФА, KOH-ДМСО, LiOH-ДМСО, NaOH-ДМСО эритмаларида 80 °С ҳароратда олиб борилганда винил эфирлари унуми KOH-ДМФА да 26,9; KOH-ДМСО да 39,2 %, 120 °С ҳароратда эса KOH-ДМФА да 39,7 ва KOH-ДМСО да 62,6 % унум билан синтез қилинди.

Цианур кислотанинг винил эфирлари унумига 120 °С да катализатор миқдори ва реакция давомийлиги таъсири ҳам тадқиқ қилинди (1-жадвал).

Катализатор миқдорининг ўрганилган ораликда (5-15%) ошиб бориши билан маҳсулот унумининг ортиши кузатилди. Цианур кислота моновинил эфири синтези реакцияларининг ўртача тезлиги аниқланди ва фаолланиш энергияси ҳисобланди ва унинг қиймати 12,8 кж/мольга тенг.

1-Жадвал

Маҳсулот унумига реакция давомийлиги ва катализатор миқдори таъсири (эритувчи ДМСО, катализатор KOH, ҳарорат 120 °С)

Катализатор миқдори, кислотага нисбатан масс.% да	Цианур кислота винил эфирлари унуми, %		
	I	II	III
Реакция давомийлиги, 4 соат			
5	12,0	12,4	16,6
10	16,0	18,0	18,5
15	14,2	14,8	12,8
Реакция давомийлиги, 6 соат			
5	16,0	16,4	18,6
10	18,2	21,8	22,6
15	16,4	18,5	20,6
Реакция давомийлиги, 8 соат			
5	10,6	12,4	10,4
10	12,0	12,7	13,2
15	12,3	13,0	13,5

Цианур кислотанинг моно-, ди ва тривинил эфирлари синтези жараёнларининг кинетик параметрлари аниқланди (2-жадвал).


Ҳарорат 80-120 °С оралиғида бўлиши маҳсулот унумини оширади, унинг янада оширилиши (140 °С) эса унумни камайтиради. Реакция давомийлиги 6 соатда 80, 100, 120 ва 140 °С да мос равишда 12,2; 16,7; 18,2 ва 16,4 % бўлишига эришилди.


Моновинил эфири синтези жараёнининг кинетик параметрлари

Реакция давомийлиги, соат	Ҳарорат, °C	Маҳсулот унуми		Реакциянинг ўртача тезлиги	
		%	моль/л	тезлиги	
				%/соат	моль/л.соат
4	80	12,6	1,17	3,15	0,29
	100	15,3	1,29	4,82	0,32
	120	16,0	1,34	4,00	0,34
	140	13,6	1,95	3,40	0,49
6	80	12,2	1,16	2,03	0,19
	100	16,7	1,45	2,78	0,24
	120	18,2	1,50	3,03	0,25
	140	16,4	1,42	2,73	0,24
8	80	10,6	1,08	1,33	0,14
	100	11,2	1,13	1,40	0,14
	120	12,0	1,10	1,50	0,14
	140	10,8	1,09	1,35	0,14

Натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, реакция давомийлиги 4-8 соат оралиғида ошиб бориши билан ҳароратга боғлиқ равишда маҳсулот унуми ўзгаради. Ҳарорат ошиб бориши билан эса ҳар бир ўрганилган реакция давомийлигида маҳсулот унуми максимум орқали ўтади. Максимум унум 120 °C да кузатилди ва унинг қиймати 4,6,8 соатда 16,0; 18,2 ва 12,0 % ни ташкил этди.

Цианур кислотани юқори атмосфера босимида гомоген-каталитик виниллаш. Цианур кислотанинг винил бирикмалари синтези юқори босимда: 1-20 атм. оралиғида амалга оширилди. Эритувчи сифатида диметилформаид ва диметилсулфоксид, катализатор сифатида рух оксиди қўлланилди ва жараёнда кислотанинг моно, ди ва тривинил эфирлари ҳосил бўлиши аниқланди ва уларни ҳосил бўлиш механизми таклиф этилди.





Цианур кислотани виниллаш реакцияси 10 атм. босимда 2-8 соат давомида 100-160 °С ҳароратда суюқ фазада эритувчилар диметилсулфоксид, диметилформаид ва рух оксид катализатори иштирокида бошланғич маҳсулотлар эквимольяр нисбатда олинган ҳолда инерт газ-азот билан суюлтирилган ҳолда олиб борилди. Жараёнда рух оксиди цианур кислота билан реакцияга киришиб, системада кислотанинг эрувчан металл бирикмасини ҳосил қилади ва ушбу оралиқ бирикма фаол катализатор сифатида виниллаш жараёнини тезлаштиради.

Цианур кислота винил эфири унумига босим таъсири ўрганилди. Бунда жараён 1-20 атмосфера босимида ДМСО ва ДМФА эритмаларида олиб борилди ва мақбул шароит топилди.


Цианур кислотани ацетилен иштирокида гетероген-каталитик виниллаш. Молекуласида гидроксил гуруҳи тутган бир қатор бирикмаларнинг ацетилен билан бирикиш реакциялари ўрганилган бўлиб, бунда гетероген катализаторлар муҳим рол ўйнайди.

Ишда цианур кислотани винил эфирларини гетероген-каталитик усулда синтез қилиш жараёни ўрганилди. Реакцияда катализатор сифатида $\text{KOH}/\text{C}_{\text{фаол}}$ системасидан фойдаланилди. Жараёнда цианур кислотанинг моно-, ди- ва три винил эфирлари ҳосил бўлиши аниқланди.

Цианур кислотани гетероген усулда виниллаш реакциясида маҳсулот унумига ҳарорат ва бошланғич маҳсулотлар моль миқдорлари нисбати таъсири, катализаторнинг фаол ҳолатга ўтиш вақти аниқланди.

Цианур кислотани ацетилен билан $\text{KOH}/\text{C}_{\text{фаол}}$ катализаторлигида гетероген усулда виниллаш реакциясида цианур кислотанинг моно-, ди- ва тривинил эфирларининг умумий унуми максимал қиймати 86,8 бўлишига эришилди, бунда моно-, ди- ва тривинил эфирларнинг максимал унуми мос равишда 95; 36 ва 27 масс.-% бўлиши аниқланди.

Цианур кислота винил эфирларининг галогенли бирикмаларини синтез қилиш. Азот тутган гетероциклик бирикмалар жумладан цианур кислота ва унинг ҳосилалари биологик фаол моддалар ҳисобланиб, турли соҳаларда кенг қўлланилади. Кислотанинг винил бирикмалари молекуласига галогенлар киритилиши унинг биологик фаоллигини янада оширади. Шунинг учун цианур кислотанинг винил эфирларини галогенлаш жараёни амалга оширилди ва натижада унинг галогенли бирикмалари синтез қилинди:




Ишда синтез қилинган цианур кислота винил эфирлари хлорли бирикмаларининг 3d кўриниши, молекуладаги зарядлар тақсимланиши ҳамда квант-кимёвий ҳисоблашлари амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Цианур кислотани виниллаш жараёнини математик моделлаштириш ва тажриба натижаларини қайта ишлаш” номли тўртинчи бобда** цианур кислота ва унинг винил эфирлари молекулалари реакция марказларини аниқлаш, тўлиқроқ тавсифлаш мақсадида квант-кимёвий ҳисоблашлари, молекуланинг фазовий тузилиши, молекула атомларида заряд ва электрон зичликнинг тақсимланиши “Chiper chem” дастури ёрдамида ўрганилди.

Цианур кислота молекуласининг 3d тузилиши шуни кўрсатадики, гетероциклик ҳалқа sp^2 тузилишга эга бўлиб текисликда жойлашган, гидроксил гуруҳи водороди ҳалқага нисбатан sp^2 ҳолатда жойлашган. Заряд ва электрон зичликнинг тақсимланиш қийматлари таҳлилига кўра, молекулада гидроксил гуруҳи ва азот атомлари бир хил ҳолатни эгалласада, электронлар тақсимланиши бир-биридан қисман фарқ қилади. Масалан, 3 та гидроксил гуруҳи резонанс (ўзгарувчан) ҳолатда бўлгани учун уларнинг зарядлари бир хил эмас (0,224; 0,225 ва 0,227 эВ). Мос равишда электрон зичликнинг тақсимланиши ҳам, молекулада азот атомлари заряди ҳам турлича, яъни -0,223; -0,295 ва -0,366 эВ, кислород атомлари заряди эса -0,172; -0,172 ва 0,176 эВ га эга. Демак цианур кислота кето ва енол структурадан ташқари мураккаб тузилишга эга. Молекулада зарядларнинг бундай тақсимланишини резонанс ҳолат орқали тушунтириш мумкин, яъни цианур кислота икки хил таутомер ҳолатда лактим (цианур кислота) ва лактам (изоцианур кислота) ҳолатда бўлади ва улар бир-бирига ўтиб туради.

Цианур кислота моновинил эфири молекуласида эса цианур кислотага нисбатан водород атомининг винил гуруҳига алмашилиши молекуланинг тузилиш жиҳатдан ўзгармаган гуруҳларида ҳам зарядлар тақсимланишини ўзгаришига олиб келади (1-расм).



1- Расм. Цианур кислота моновинил эфирининг 3d тузилиши (а), молекулада зарядлар (б) ва электрон зичликнинг тақсимланиши

Винил гуруҳининг киритилиши боғланган кислород атоми зарядини -0,172 дан -0,087 эВ га ўзгаришига олиб келади. Алмашинмаган гидроксил гуруҳларидаги кислороднинг заряди деярли ўзгармасдан қолади. Ҳалқадаги азот атомлари заряди эса қайта тақсимланиш натижасида мос равишда -0,223 дан -0,224 га, -0,295 дан -0,291 га ва -0,366 дан -0,339 эВ га ўзгаради. Лекин бу ўзгаришлар реакцион марказ ҳисобланган гидроксил гуруҳлари фаоллигига, яъни водород атомларининг фаоллигига айтарли таъсир этмайди.

Цианур кислота дивинил эфири молекуласининг 3d тузилиши ва молекулада заряд ҳамда электрон зичликнинг тақсимланиши ҳам тадқиқ қилинди. Цианур кислота дивинил эфири молекуласида зарядлар тақсимооти таҳлили шуни кўрсатадики, молекула гидроксил гуруҳидаги кислород атоми заряди деярли ўзгармайди, яъни унинг қиймати цианур кислота, моновинил эфири ва дивинил эфирида мос равишда -0,172; 0,173 ва 0,173 эВ ни, ҳалқадаги 3 та азот атоми эса мос равишда -0,223; -0,295; -0,366; -0,224; -0,339; -0,291 ва -0,220; -0,312; -0,292 эВ га тенг. Демак гидроксил гуруҳи водороднинг винил гуруҳига алмашилиши ҳалқадаги заряд ва электрон зичликнинг тақсимланишига билвосита таъсир этади, лекин алмашинмаган иккинчи ва учинчи гидроксил гуруҳи электрон зичлиги тақсимланишига таъсир этмайди.

Цианур кислотани гомоген каталитик усулда виниллаш жараёнини математик моделлаштириш. Цианур кислотани виниллашда борадиган кимёвий жараёнларни математик моделлаштириш бирикмалар синтезида технологик параметрларни аниқлашга имкон беради.



Ишда цианур кислотани ацетилен билан каталитик виниллаш жараёнида олинган тажриба натижаларини математик моделлаштириш кам сонли квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Жараённи моделлаштириш икки босқичда олиб борилди:

1. Тажриба натижаларига кўра танланган боғлиқликнинг ташқи кўриниши аниқланди.

2. $Y = f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)$ функциясидаги боғлиқлик коэффиценти танланди ва ушбу боғлиқлик биринчи функциядаги a_i орқали чиқарилди.

Маҳсулот унуми ва реакция ўртача тезлиги асосида Maple-2018 дастури ёрдамида натижалар иконограммаси тузилди (2-расм).



2-Расм. Ҳарорат ва реакция давомийлигининг моновинил эфири унумига таъсири иконограммаси (а)-тажрибада (б)-математик моделлаштирилганда

Цианур кислота ва унинг ҳосилалари синтези натижаларини математик қайта ишлаш. Тажриба натижалари Maple-2018 дастуридан фойдаланилган ҳолда математик қайта ишланди. Цианур кислотани гетероген каталитик усулда виниллаш жараёни 380-480 °С ҳароратларда олиб борилганда ҳосил бўлган винил эфирлари унумини математик қайта ишлаш натижаларини қуйида кўрсатилган тартибда изохлашимиз мумкин.


Математик ҳисоблашлар, кислотани виниллаш реакцияси давомийлиги 3 соатда олиб борилганда винил эфирлар юқори унум билан синтез қилинишини инобатга олган ҳолда ўша қийматлар асосида олиб борилди.

Цианур кислотани гетероген каталитик усулда виниллаш жараёнида ҳосил бўлган моновинил эфири унуми натижаларини математик қайта ишлаш моделини яратиш маҳсулот унумини ҳароратга боғлиқлик тажриба натижалари қийматига асосланлиди.

Ишнинг бешинчи боби **“Цианур кислота ва унинг винил эфирларини ишлаб чиқариш технологиялари ва қўлланилиши”** деб номланади ва бунда цианур кислотани юқори асосли система асосида атмосфера босимида, органик эритувчилар ва рух оксид катализатори иштирокида юқори босимда ацетилен иштирокида виниллаш жараёни технологияси яратилди.

Цианур кислотани гомоген каталитик усулда органик эритувчилар ва рух оксид катализатори иштирокида юқори босимда ацетилен юбориш орқали ҳам виниллаш жараёни технологияси ишлаб чиқилди (3-расм).

Ушбу жараёнда ацетилен ва азот газлари (1, 2) махсус баллонлардан юборилади, уларнинг сарфи монометрлар (3) ёрдамида назорат қилинади ва реакторга (4) уланади. Реакторга цианур кислота рух оксид ва ДМСО солинади ва аралашма 80 °С гача қиздирилиб (4.1) суюқ ҳолатга ўтказилади. Ҳосил бўлган суюқ ҳолатдаги каталитик система аралаштиргич (5) ёрдамида арашлаштириб турилган ҳолатда ҳарорат 140 °С га кўтарилади ва 10 атм босимида ацетилен ва 10 атм. босимда азот инерт газ 4 соат давомида юборилади. Аралаштиргич сув (6) ёрдамида совутилиб (6.1) турилади.



1,2–ацетилен ва азот баллони, 3 –монометр, 4–реактор, 4,1- қиздиргич, 5- генератор,6, 6.1-сув билан совутиш қурилмаси, 7-монометр, 8-шит қурилмаси, 9-термопара, 10-экстракция қурилмаси, 11-қуритиш қурилмаси,12-ректификация колоннаси, 12.1-тен, 13-йиғич, 14-органик қолдиқ.

3- Расм. Цианур кислота винил эфирларини гомоген каталитик усулда юкори босимда ишлаб чиқариш технологик схемаси

Реактор ичидаги босим монометр (7), ҳарорат эса термопара (9) ёрдамида назорат қилинади. Жараён тўхтатилиб реактор совитилади ва ҳосил бўлган маҳсулот экстракция қурилмасига (10) жўнатилади, маҳсулот қуритилади (11) ва ректификация колоннасига (12) юборилади. Колоннада маҳсулот қиздирилиб (12.1.) цианур кислота винил эфирлари ва қўшимча маҳсулотлар фракцияларга (13-14) ажратилади.

Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги. Маълумки цианур кислота, унинг галогенли ҳосилалари биологик фаол моддалар сифатида қўлланилади. Унинг молекуласига винил гуруҳи киритилиши биологик фаоллигини янада оширади. Шунинг учун синтез қилинган цианур кислотанинг винил эфирларини биологик фаоллиги ўрганилди. Ушбу тадқиқотлар ЎзР ФА Микробиология институти ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилди.

3-Жадвал

Синтез қилинган бирикмаларни микроорганизмларга таъсири

№	Синтез қилинган бирикмалар	Микроорганизмларни нобуд қилиши, %
1	Цианур кислотаси	72
2	Цианур кислота моновинил эфири	76
3	Цианур кислота дивинил эфири	77
4	Цианур кислота три винил эфири.	84
5	Цианур кислота винил эфирлари аралашмаси.	79

Синтез қилинган бирикмаларни биологик фаоллигини аниқлаш учун уларни нефт-газ саноатида қўлланиладиган металл конструкцияларидан олинган қиринди намуналаридан ажратилган микроорганизмларга таъсири ўрганилди (3-жадвал). Натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, цианур кислота тадқиқ қилинган микроорганизмларни 72 % ни нобуд қилади. Цианур кислота молекусидаги гидроксил гуруҳини винил гуруҳига алмаштирилиши бирикманинг биологик фаоллигини-микроорганизмларга қарши таъсирини оширади.

Цианур кислотанинг моно-, ди- ва три эфири қаторида уларнинг биокоррозияни келтириб чиқарувчи микроорганизмларни нобуд қилиш даражаси ортади ва мос равишда 76, 77 ва 84 фоизни ташкил этади. Синтез қилинган винил эфирлар аралашмасининг фаоллиги эса ўртача 79 фоизга тенг.

ХУЛОСА

1. Цианур кислотани виниллаш жараёни атмосфера босимида КОН, юқори босимда ZnO, гетероген каталитик усулда фаоллантирилган кўмир/КОН катализаторлари ва эритувчилар ДМСО, ДМФА ва гексан иштирокида амалга оширилган ва цианур кислотанинг винил эфирлари синтез қилинган, реакциянинг бориш механизми таклиф қилинган, катализатор миқдори ва мақбул эритувчилар ҳамда жараённинг оптимал параметрлари аниқланган.

2. Цианур кислотани галогенлаш натижасида галогенли ҳосилалари синтез қилинган ва уларни тузилиши аниқланган, жараён боришига турли омиллар таъсири аниқланган.

3. Синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ИҚ-, ¹H-, ¹³C-спектроскопия ва хромато-масс-спектрометрия усуллари ёрдамида исботланган. Maple-2018 компьютер дастурлари ёрдамида виниллаш жараёни математик моделлаштирилган, цианур кислота молекуласининг квант-кимёвий ҳисоблашлари амалга оширилган ва молекула таркибидаги гидроксил гуруҳида электронлар зичлиги юқорилиги аниқланган, унинг водороди виниллаш жараёни кетишига имкон берадиган реакцион марказ эканлиги кўрсатилган.

4. Цианур кислота ва ацетилендан цианур кислотанинг винил эфирларини гомоген ва гетероген усулда олиш технологиялари тавсия этилган.

5. Синтез қилинган винил эфирларнинг биологик фаоллиги ўрганилган ва металл конструкциялар биокоррозиясига қарши ингибитор сифатида қўллаш тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЗИЯДУЛЛАЕВ АНВАР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**СИНТЕЗ ВИНИЛОВЫХ СОЕДИНЕНИЙ НА ОСНОВЕ
ЦИАНУРОВОЙ КИСЛОТЫ, СВОЙСТВА И ПРИМЕНЕНИЕ
ПОЛУЧЕННЫХ СОЕДИНЕНИЙ**

02.00.14 - Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ((PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/T335.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tktiti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:

Нурманов Сувонкул Эрханович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Махсумов Абдухамид Гофурович
доктор химических наук, профессор

Акбаров Хамдам Икромович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Навоийский государственный горный институт

Защита диссертации состоится «11» май 2021 г. в «10» часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, ул. Шурабазар, (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: tktiti.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 8, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, Шурабазар, (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «3» май 2021 года.
(протокол рассылки № 8 от «3» май 2021 г.).



Джалилов А.Т.
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.х.н., проф., академик

Ширинов Ш.Д.
Учёный секретарь научного совета по
Присуждению учёных степеней, PhD тех.

Бекназаров Х.С.
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире вещества, содержащие винильной группы получают на основе азотсодержащих гетероциклических соединений и используются в медицине, сельском хозяйстве, химической и текстильной промышленности, красках, парфюмерии в качестве полимеров, инсектицидов, лекарств, сорбентов, биологически активных веществ и композиционных материалов. Существует несколько методов синтеза виниловых соединений в гомогенных и гетерогенных каталитических условиях, среди которых важным является их синтез реакцией ацетилен с органическими соединениями, содержащими активный водород.

Сегодня в мире проводятся научные исследования винилирование первичными, вторичными алифатическими и гетероциклическими аминами с ацетиленовыми углеводородами при высоких давлениях, процессы тонкие органического синтеза при атмосферном давлении, винилирование гетероциклических соединений, содержащего гидроксильной группы в присутствии катализаторов, высокоосновных систем и органических растворителей. Поэтому важным является изучении процесса гомогенного- и гетерогенного винилирования, определить влияние различных факторов на процесса, математическое моделирование и математическую обработку процесса, изучение технологических параметров и разработку технологии синтеза виниловых соединений.

В Республике важным является расширению производства веществ на основе местного сырья, которые применяется в различных отраслей промышленности, внедрение новых методов, повышение эффективности процесса за счет модернизации существующих процессов, снижение производственных затрат, сокращение импорта и принимаются меры по расширению синтеза экспорт ориентированных продуктов. «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»² ставит задачи «создания технологии получения импортозамещающей продукции с эффективным использованием местного сырья и вторичных ресурсов». В связи с этим важным становится синтез различные виниловые соединения на основе ацетилен, который является промышленным продуктом страны, разработать технологических процессов и определить эксплуатационные свойства полученных соединений.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан», в постановлении от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», в постановлении 17 января 2018 года № ПП-3479 «О мерах по обеспечению стабильных поставок

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

востребованной продукции и сырья в экономику» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике: VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научные исследования в области химии, физики, технологии и применения соединений ацетилена в мире стремительно развиваются.

За рубежом по этому направлению Б.А. Трофимов, О.В Темкин синтезировали виниловые эфиры ацетиленовых спиртов на основе высокоосновных систем, M.Wiggers разработал производство смол, резины, клеев и растворителей пластмасс на основе ацетиленовых соединений, A.Viola разработал технологию получения полимерных веществ на основе виниловых эфиров, J.M.Petersen разработал синтез сложных виниловых производных ацетиленовых спиртов, J.Okawa синтезировал ацетиленовые спирты в присутствии нанокатализаторов, M.A.Hassan разработал высокоэффективную технологию получения ацетиленовых спиртов из хлорированных производных фурана в растворе тетрагидрофурана в присутствии литий-бутиловых катализаторов, E.J.Corey разработал применение мономеров, полученных на основе ацетилена и его гомологов, в резиновой промышленности, R.V.Wannort применение ацетиленовых спиртам в медицине, Yumeng Xi - применение в нефтегазовой промышленности, В.А.Kulkarni внес огромный вклад в развитие этой области, изучая биологическую активность ацетиленовых спиртов против грибов.

